

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



ДАЛА МАШҚИ

Аскар укаларимга

Исмिंगиз ким,
Баҳромми, Азим.
Билмадим, Усмонми ё Юсуф?
Бу гал машқ оғирроқ
кечар азизим,
Барча йўллар қўйилган тўсиб...

Йўқ
Бу шунчаки дала машқимас
Чинаккам жанг!
Ғалаба йўли!!!
Ғалабанинг эса ёлғони бўлмас,
Ғалаба шу —
Ҳаёт ё ўлим!

Қани кетдик,
Чиданг,
Эмакланг,
Тошларга босингиз кўкракни.
Шу тошлар, шу ҳаво, шу ту-
проқ
Бизники,
Бизга ҳам керак-ку!

...Қани энди
кетдик,
Ўқдан тез учинга!
Шаштингиз шоширсин Осмонни!
Ўқларга чап беринг, жон
сақланг,

Ахир зафар кучмоқ осонми?!
Тепаликда "душман" ўт очар,
Токи маҳв этмасак
Тугамайди жанг.
Фақат олға
Энди...

Тирик қолиш учун
Сўнги ҳамла зарур,
Ўқларни тежанг!

Ватан номи билан,
Озодлик номи билан,
Сўнги ҳамла!
Чекинмоқ йўқлик,
Қулликдур
Бу — синов палла!

Мана...
Етдик!
Яшанг!
Бир ҳамла,
Энди
Ғалаба!
Зафар шавқи чулғар жаҳонни.
Ана,
Осмон қутламоқда шаён —
Ғолиб келган Ўзбекистонни.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ЎзАдан иқтибос

Тўра БОБОЛОВ,
Сурхондарё вилояти ҳоқими:

“ГАЗЕТА ЎҚИМАГАН РАҲБАР ЎЗ ТАШКИЛОТИ КЕЛАЖАГИНИ ҚАНДАЙ ТАСАВВУР ҚИЛАДИ?”



ЎзАнинг “ВИЛОЯТ ҲОКИМИ МИНБА-
РИ” лойиҳаси бўйича (5 январда) Сур-
хондарё вилояти ҳоқими Тўра БОБО-
ЛОВ чиқиш қилди.

Сўхбатдан кейин вилоят ҳоқимига
ижтимоий тармоқларда турли муро-
жаатлар бўлди.

Сурхондарё вилоят ҳоқими Т.Бобо-
лов ижтимоий тармоқлар орқали бер-
рилган саволларга жавоб берди:

Савол: — Сурхондарё вилояти ҳоқими-
яни томонидан “Сурхон оқшоми” газетасига
мажбурий обуна ўтказилаётганини қандай
изоҳлайсиз?

Жавоб: — Вилоят ҳоқимлиги томонидан маҳаллий ҳамда Республика газе-
та ва журналларига обунанинг бориши бўйича мониторинг олиб борилади. Лекин
мажбурий тартибда обунани ташкиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилмай-
ди. Қолаверса, вилоятда “Сурхон оқшоми” номи билан чоп этиладиган газе-
танинг ўзи йўқ.

Ўтказилган мониторингларда айрим таълим муассасалари, ташкилот ва идо-
ралар томонидан бирор бир газета, журналга умуман обуна бўлмаган ҳолатлар
учради. Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилмаган, амалга оши-
раётган ишларини ёритмаган, умуман дунёда бўлаётган янгиликлардан хабар-
дор бўлмаган раҳбар ташкилотининг келажагини қандай тасаввур қилади?



Ҳаёт ҳақиқати

БИЛЛ Гейтс:

“ПУЛИ КЎП ОДАМ БОЙ ЭМАС”

БИЛЛ Гейтс дунёдаги энг бой одам бўл-
ган пайтлар кимдир унга савол берибди:

— Дунёда сиздан ҳам бойроқ инсон борми?
— Ҳа, — деб жавоб беради Билл Гейтс.

— Мендан ҳам бойроқ бир инсон бор. У
пайтлар мен ҳали машҳур ёки бой эмасдим.
Бир куни Нью-Йорк аэропортида газета со-
таётган кишини кўрдим. Ундан газета сотиб
олмоқчи бўлиб, ҳаменимни очсам, майда
пулим йўқ экан. Кейин газетани сотувчига
қайтариб бердим. Унга қараб “Майда пу-
лим қолмапти, газетангизни сотиб олол-
майман”, дедим. Шунда сотувчи “Майли,
сизга текинга бераман”, деди. Мен ноилож
газетани олдим. Орадан 2-3 ой ўтиб тасоди-
фан мен яна ўша аэропортга кўндим ва бу
сафар ҳам газета сотиб олиш учун майда
пулим йўқ эди. Сотувчи яна кўлимга газета
тутди. Мен бу сафар ҳам майда пулим йўқ-
лигини айтиб, газетани рад қилдим. У менга
яна “Олаверинг, ўзимнинг ҳисобимдан бе-
ряпман. Бу билан мен зарар кўрмайман”,
деди. Мен газетани олдим. Орадан 19 йил
ўтиб мен машҳур бўлиб кетдим, бутун дунё
мени таний бошлади. Кейин тўсатдан ўша
сотувчи эсимга тушиб қолди. Уни роса изла-
дим ва бир ярим ой деганда топдим. Ундан
“Мени таниясизми?” деб сўрадим.

— Ҳа, сиз Билл Гейтсиз, — деди у.

— Эсингиздами, бир сафар сиз менга те-
кинга газета бергансиз? — дедим.

— Эсимда, икки марта берганман, — деди
сотувчи.

— Ўша вақт қилган ёрдамингиз ҳақини
тўламоқчиман. Тиланг тилагингизни, мен
уни адо этаман, — дедим шошганча.

Сотувчи менга қараб турдида, деди:

— Жаноб, сиз шу билан менинг яхшили-



гимга тўла жавоб қайтара оламан, деб ўйлай-
сизми? Бу билан қарзингиз узилиб қолмайдику.

— Нега? — ҳайрон бўлдим мен.

— Мен сизга камбағал сотувчи бўлган
пайтим ёрдам берганман, сиз эса бадавлат
бўлгангина ёрдам бермоқчисиз. Дунёдаги
энг бой одамга айланган қиладиган ёрда-
мингиз менинг ночор пайтда қилган ёрда-
минга қандай қилиб тенг бўлади? — деди у.

Ўша куни газета сотувчиси мендан ҳам
бойроқ, мендан ҳам бадавлатроқ эканини
англадим. Чунки у одамларга ёрдам бериш
учун бойиб кетишни кутмаган. Ҳақиқий бой
одам бу — пули кўп одам эмас, балки юраги
бой одам ҳисобланади.

Одамлар шуни тушуниши керак: кимга-
дир меҳрибонлик қилсангиз, кўринишингиз
қандай бўлмасин, сиз дунёдаги энг кўркам
инсонга айланасиз.

Сиёдахон ҒУЛОМОВА

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ

2019 йил 30 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Қонун билан Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланди.



СОЛИҚЛАР СОНИ КАМАЙДИ

Мазкур ҳужжатга кўра, мамлакатимиз солиқ қонунчилигида бир қатор ўзгаришлар рўй берди. Энг асосий янгиликлардан бири бир қанча солиқ турларининг қисқартирилгани бўлди. Масалан, бир қанча солиқлар унификацияланиб, ўхшаш солиқ солиш базасига эга солиқ турлари бирлаштирилди. Бу орқали эса солиқ турлари камайди. Албатта, бундай ўзгаришлардан асосий мақсад бир томондан аҳоли учун солиқ юкни камайтириш ва овозгарчиликларга йўл қўймаслик бўлса, бошқа томондан идораларда солиқ ҳисоботларини камайтириш ва соддалаштиришдан иборатдир.

Натижада, янги таҳрирдаги Солиқ кодексига биноан солиқ турлари 9 тагача қисқартирилди. Хусусан, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг алоҳида Қонунда назарда тутилган давлат божи, товарларнинг айрим турларини (алкоголли ичимликлар) сотиш ҳуқуқи учун йиғимлар Солиқ кодексидан олиб ташланди. Шунингдек, ер ости бойликларидан фойдаланувчилар учун бир марталик хусусиятга эга бўлган махсус тўловлар бўйича бонуслар (имзоли бонус ва тижорат бонуслари) Солиқ кодексидан “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўтказилди. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ турлари бекор қилинди.



САНЪАТКОРЛАР ҲАМ ДАРОМАД СОЛИҒИ ТўЛАЙДИ

Шунингдек, Қонунга кўра, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови ва қатъий белгиланган солиқ ўрнига тегишлича ижтимоий солиқ, айланмадан олиннадиган солиқ ҳамда қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи киритилмоқда. Масалан, концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун махсус солиқ режими ўрнига даромад солиғи жорий қилинаёпти. Кўп ҳолларда жамоатчилик орасида санъаткорлар нега солиқ тўламайди, деган эътирозлар бўларди. Янги Солиқ кодексига кўра энди

ҳар бир санъаткор даромадидан худди бошқалар каби даромад солиғини тўлайди. Давлат солиқ қўмитаси мансабдор шахсининг маълум қилишича, концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг даромадлари декларация асосида ҳисоб-китоб қилинади. Яъни, ҳар бир санъаткор ўзининг даромади тўғрисида декларация тўлдирди. Солиқ органлари томонидан эса бу бўйича мониторинг олиб борилади.



АВВАЛГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ БўЙИЧА ИМТИЁЗЛАР-ЧИ?

Қонунга кўра, 2007 йилда қабул қилинган Солиқ кодексига назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар 2020 йилнинг 1 апрелига қадар амал қилади.

2020 йилнинг 1 январига қабул қилинган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар амал қилади.

Ҳисобланган солиқ суммасидан ҳисобга олиннадиган ҚҚС суммасининг ошиб кетиши натижасида ҳосил бўлган ҚҚС суммасининг ўрнини қоплаш 2020 йилнинг 1 июлидан эътиборан амалга оширилади.

Солиқ тўловчи 2020 йил 1 январга қадар ҳосил бўлган зарарни келгусига, ушбу зарар кўрилган солиқ давридан кейинги 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга кўчиришни амалга оширишга ҳақли.

Бунда, ҳар бир кейинги солиқ даврида ҳисобга олиннадиган ўтказилаётган зарарнинг жами суммаси жорий солиқ давридаги солиқ базасининг 50 фоизидан ошиши мумкин эмас.

АЙРИМ СОЛИҚ РЕЖИМЛАРИ БЕКОР БўЛДИ

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига кўра қуйидагилар учун махсус солиқ режими бекор қилинди:

бозорлар учун, уларни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказган ҳолда.

2020 йил 1 январдан бошлаб бозорлар аввалги солиқ тўлаш тартиби (даромаднинг 50 фоизи) ўрнига қуйидагиларни тўлайди:

умумдавлат солиқларини (агар реализация ҳажми 2019 йилда 1 миллиард сўмдан ошган бўлса) — юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, қўшил-

ган қиймат солиғи ва 20 фоизли оширилган ставкада фойда солиғини; айланмадан солиқни (реализация ҳажми 2019 йилда 1 миллиард сўмдан кам бўлганда), шунингдек, юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни;

концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун, уларга жисмоний шахслардан даромад солиғини тўлашни киритган ҳолда. Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун айланмадан солиқ (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд сўмдан кам бўлганда) ёки умумбелгиланган тартибда тўланадиган солиқлар (реализация ҳажми 2019 йилда 1 млрд сўмдан ошганда) киритилади. Шу билан бирга, ушбу фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун олиннадиган давлат божининг миқдори деярли 4 баравар камайтирилди;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун, уларни умумбелгиланган солиқ тўлашга ёки айланмадан солиқ тўлашга ўтказиш билан. Шу билан бирга, ушбу тоифадаги солиқ тўловчилар учун фойда солиғининг ноль ставкаси белгиланади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун ишлатиладиган мол-мулк қисми бўйича мол-мулк солиғидан ва томчилатиб сугориш тизими жорий этилган ерлар учун ер солиғидан имтиёзлар сақлаб қолинади.


Солиқ кодексига солиқ органлари солиқ текширувларининг қуйидаги турларини ўтказиши белгиланди:

- камерал солиқ текшируви;
- сайёр солиқ текшируви;
- солиқ аудити.

Илгари солиқ текширувлари ваколатли орган билан келишувга кўра ва ваколатли орган хабардор қилиниб ўтказилган.

КОНТРАКТДА ЎҚИЙДИГАНЛАРГА ЯНГИ СОЛИҚ ИМТИЁЗИ

Янги Солиқ кодексига кўра, Ўзбекистон олий ўқув юртлирида шахсининг турмуш ўртоғининг таълим олиши учун йўналтириладиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари учун ҳам солиқ солинмайдиган бўлди. Бунгача шахсининг фақатгина ўзининг ва 26 ёшга тўлмаган фарзандларининг таълими учун йўналтирилган даромад солиқдан озод қилинган эди.



Мубин МИРЗАЕВ,
Давлат солиқ қўмитаси
биринчи ўринбосари:

” ТУРЛИ ИМТИЁЗЛАР ВА СТАВКАЛАРНИНГ ҲАР ХИЛЛИГИ СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ҚИЙИНЛАШТИРАДИ

— Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига лойиҳаси устида бир ярим йилдан ортиқ вақт давомида иш олиб борилди. Кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнига нафақат миллий экспертлар, балки хорижий мутахассислар ҳам жалб этилди. Хусусан, ҳужжат лойиҳасини яратишда Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки экспертларининг таклиф ва тавсиялари инobatга олинганини эътироф этиш керак.

Сўнги йилларда солиқ қонунчилигида кўплай ислохотлар амалга оширилди. Турли солиқ ставкаларининг пасайтирилиши, айрим солиқларнинг бекор қилиниши ва бошқалар. 2019 йилда юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизга туширилди. Шунга қарамадан мазкур солиқ тури бўйича тушумлар 2018 йилга қараганда икки баробарга ортди. Бу солиқ юкнинг камайтирилиши сабабли тадбиркорларнинг ўз даромадларини яширамасдан молиявий операцияларни қонуний амалга ошираётганларидан далолат беради. Қўшимча қиймат солиғи ставкасининг камайтирилганлигига қарамадан бу бўйича солиқ тушумлари ўсди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига солиқ ставкалари аниқ-равшан қилиб белгиланган, эндиликда солиқ ставкаларига фақатгина қонун билан ўзгартириш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Кодексда солиқ ставкалари миқдорини ошириш кўзда тутилмаган, бензин ва бошқа ёқилғи маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни кўлаб-қувватлаш мақсадида 2019 йил 15 августдан бошлаб ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси миқдори деярли икки баробарга камайтирилди. Бундан мақсад солиқ ставкаларини ошириш билан эмас, балки биринчи навбатда нархларнинг барқарорлигини сақлаш ва ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини таъминлаш орқали солиқ солинадиган базани кенгайтиришдир.

Нашр маҳсулотларига 20 фоиз ҚҚС қўйилгани ҳақида кўп саволлар берилаяпти. Бу борада шуни таъкидлашим лозимки, солиқ кодексини ишлаб чиқишда хорижлик мутахассислар билан маслаҳатлашилди. Бирор соҳани кўллаш лозим бўлса, солиқ имтиёзлари эмас, бюджетдан пул ажратиш (субсидия) орқали ёрдам бериш мақсадга мувофиқ. Турли имтиёзлар ва ставкаларнинг ҳар хиллиги солиқ маъмурчилигини қийинлаштириши мумкин.

Мадҳия АБАЗОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

МАКТАБЛАРДА НИМА ЎЗГАРДИ

ЎХУД

ҲУҚУҚИЙ ДАРСЛИКЛАР ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?



"ИНСОН ва қонун" газетасининг 2019 йил 48-сонида Халқ таълими вазири Ш.Шерматовнинг "Мақтабни ўзгартирмасдан туриб, ўдамни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди" сарлавҳали интервьюси эълон қилинди.

2019-2020 ўқув йилидан эса 7 синфлардан ҳам олиб қўйилди.

Яна эски, яъни бу курсни фанлар таркибида ўқитиш усулига ўтилади.

Наҳотки, ўта муҳим бўлган курс учун 5-7-синфларга ҳафтасига 0,5 соат (жами: 17 соат)дан ажратиш давлат бюджетига оғирлик қилса?

ТАРБИЯВИЙ СОАТДА НИМА ЎРГАТИЛАДИ?

Халқ таълими вазири эса Президентнинг 2019 йилнинг 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони бажариш воситаси сифатида синфларда ҳафтасига 1 соат ўтиладиган "Тарбиявий соат"га уруғ берган. Ҳўш, тарбиявий соатда (йиллик 34 соат) тарбияга оид суҳбатлар ўтказилсинми ёки "Йўл ҳаракати қондалари" ўрганилсинми ёхуд ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданияти оширилсинми?

ҲУҚУҚИЙ ДАРСЛИКЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ АҲВОЛИ

Энди 8-9-синфлар учун 2019 йилда қайта чоп этилган "Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари" ҳамда "Конституциявий ҳуқуқ асослари" дарсликларини хусусида тўхталмоқчиман. 8-синфда "Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи асослари" фанини ўқитишга ўқув режада 34 соат ажратилган (яъни ҳафтасига 1 соат).

Мазкур дарсликни нашрга тайёрлашда ҳафтада 1 соат ўқитилиши белгиланган фанлар бўйича дарслик ҳажмига қўйиладиган талаб қўпол равишда бузилган. Бу дегани кўпи билан 145 бет бўлиши зарур бўлган дарслик 192 бетли қилиб чоп этилган. Мазкур дарслик керакли ва кераксиз маълумотлар билан қалаштириб ташланган. Бу эса ўқувчини чарчатата, холос. Ҳамма нарсада меъёр бўлиши шарт.

Мазкур дарсликларда таърифлари узундан-узоқ берилган айрим тушунчалардан мисоллар келтираман:

"Давлат — жамиятнинг шаклланган сиёсий институти. Давлат — мажбур қилиш кучига, яъни ҳокимиятга эга бўлган, ўз фуқаролари, шунингдек, ҳудудда истикомат қилувчи барча инсонларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган, бошқа давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни

амалга оширадиган муштариф сиёсий ташкилот" (21-23-бетлар).

Мана сизга биригина тушунчага берилган 36 сўздан иборат таъриф. Бу таърифни ўқувчи эслаб қола оладими?

Ёки дарсликнинг 26-бетиде ёзилган мана бу жумлаларга эътибор беринг: "Давлат функциялари — давлат фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб,

уларда давлатнинг ижтимоий жиҳатлари рўёбга чиқарилади".

Ҳўш, "давлатнинг ижтимоий жиҳатлари" нима ўзи? Наҳотки, муаллифлар эндигина ҳуқуқ фанини ўргана бошлаган 8-синф ўқувчиси бу иборанинг мазмунини тушунади, деб ўйласалар?

32-бетда "Парламент Республикаси", дейилганда унинг фақат битта белгиси қайд этилган. Бу тушунчанинг мазмунини очиб берувчи асосий белги, яъни парламент Республикасида ҳукуматни давлат бошлиғи эмас, парламент тузиши ва ҳукуматнинг давлат бошлиғи олдиде эмас, парламент олдиде ҳисобдор эканлиги қайд этилмаган.

Ёки 49-бетда "Фуқаролик жамияти" тушунчасига берилган изоҳнинг ўзи изоҳ талаб қиладиде. Аслида фуқаролик жамияти тушунчасига "жамиятнинг давлат ҳокимиятидан ҳоли қисмидир", деб изоҳ берилиши керак эди. Ёйинки, 185-бетда "фармон" ва "фармойиш" тушунчаларига берилган изоҳга эътибор қаратайлик:

Фармон — давлат бошлиғи томонидан чиқариладиган ҳужжат.

Фармойиш — давлат бошқариш ҳужжатларидан бири.

Ҳўш, унда Президент чиқарадиган қарорларни нима деб атаймиз? Нима, қарор Президент чиқарадиган ҳужжат эмасми? Ёки фармойиш давлатни бошқариш ҳужжатларидан бири бўлса, фармон бундай хусусиятга эга эмасми? Уларнинг бир-биридан фарқи нимада? Афсуски, дарслиқда бу саволларга жавоб йўқ.

ДАРСЛИКЛАРНИ ВАЗИР ЎҚИБ ЧИҚИШИ КЕРАКМИ?

Ҳаётимизда деярли ҳар қуни ишлатадиган "Қонун" атамасига берилган изоҳни ўқиб тўғриси кулгим келди. Мана ўша изоҳ: "Қонун — давлат ҳокимияти Олий органи томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадиган норматив акт" (187-бет). Наҳотки шу атамасига — давлат томонидан ўрнатиладиган ва қўриқладиган, барча фуқаролар, ташкилот, муассаса ва корхоналар амал қилиши шарт бўлган хатти-ҳаракат меъёридир", деб изоҳ бериш мумкин эмас эди?

"Шахс дахлсизлиги" тушунчасига берилган изоҳни ўқиган кишида муаллифларнинг салоҳиятига шубҳа уйғонмай қолмайди. Қўйида дарслиқда берилган изоҳни келтираман: "Шахс дахлсизлиги — фуқароларнинг Конституцион шахсий ҳуқуқ ва эркинликларидан бири". Бу изоҳ ўқувчиларга ҳеч қандай билим бермайди. Чунки шахс дахлсизлиги эркинлик эмас, у ҳуқуқ, шахс дахлсизлиги — бу шахсга қи-

линадиган қасд ёки тажовуздан қонун билан ҳимоя қилинишидир. Қолаверса, "конституцион" эмас, "конституциявий" сўзи ишлатилиши керак эди. Айни пайтда дарслик кераксиз иқтибослар билан ҳам тўлдириб ташланган. Натижада, бир мавзу узоғи билан 3 бет ўрнига 5-7 бет жойни эгаллаган.

Бундан ҳам ажабланарлиси шуки, 8-синф дарслигининг III боби билан 9-синф дарслигининг IV бўлими деярли айнан бир хил.

ДАРСЛИК МУАЛЛИФЛАРИ КИМНИ АЛДАШАЯПТИ?

76-бетда энг ачинарли ҳолатта йўл қўйилган: "Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Президентнинг тақдимида биноан Олий Мажлис палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади". Ахир, Бош вазир номзоди дастлаб Президентга Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдорда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилиши нормаси Конституцияимизнинг 98-моддасида белгилаб қўйилмаганими? Наҳотки муаллифлар бу нормадан беҳабар бўлсалар? Бунга ўхшаш мисолларни истасанча келтириш мумкин эди.

Дарслиқда илмий хатоликларга йўл қўйилганлиги, фикрлар баёниде гализликлар кўплиги учун 8-синф дарслиғи қайта муаллифлар томонидан ёшга ёзилиши лозим, деб ҳисоблайман.

Мен мазкур дарсликни чоп этиш учун сарфланган давлат маблағига ачинаман. Дарсликнинг бундай мужмал иборалар билан тўлдириб ташланганлигининг асосий сабаби — О.Амановадан бошқа 3 нафар муаллифнинг мактабда ишлаганлиги, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси О.Аманованинг эса дарсликни тайёрлаш жараёнида амалда иштирок этмаётганлигида, деб ўйлайман.

Вазир Ш.Шерматовга шахсан ўзи бу дарсликни синчликлаб ўқиб чиқишини таклиф этаман. Айтинг-чи, мактаб болаларининг ҳуқуқий билимини ошириш учун бундай дарсликлар қанчалик фойда беради?

У.ЖўРАЕВ,

Бўка туманидаги 8-ўрта мактабнинг тарих ва ҳуқуқ фанлари ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, "Соғлом авлод учун" ва "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан таърифланган, Турон фанлар академиясининг академиги

Айни пайтда вазирнинг "Ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги низоларни педагогларнинг жамиятдаги обрўси тушиб кетгани билан изоҳлаш мумкин", деган фикрига қўйидагиларни қўшимча қиламан.

Ўқитувчи ва ўқувчилар орасида низоларнинг туб сабаби аксарият ўқитувчиларнинг ўқувчи қалбига йўл топа олмаётганлигидир. Бунга эса олий ўқув юртларида бўлажак ўқитувчига психология ва педагогика фанлари номигагина ўқитилгани сабаб бўлмоқда.

ЎҚИТУВЧИЛАР МАКТАБНИ НЕГА ТАРК ЭТГАН ЭДИ?

Маълумки, Олий ўқув юрти коррупцияга энг кўп чалинган муассасалардан бири. Олий ўқув юртларида домлалар бўлажак ўқитувчиларга пул эвазига баҳо қўйиб берганлиги ҳам айни ҳақиқат. Бундан психология ва педагогикадан "билим" берган домлалар ҳам мустасно бўлмаган.

Иккинчидан, бу ҳолат мактабларда таълим-тарбия ишлари асосан аёллар кўлида қолганлиги билан ҳам изоҳланади (67-70 фоиз ўқитувчилар аёллардир). Бу эса феминизациянинг кучайишига, яъни мактабларда ўқувчи ўғил болаларда аёлларга хос хусусиятларнинг (қатъий фикрга кела олмастик, шижоатнинг етишмаслиги) урчишига олиб келди. Жамиятда мактабнинг обрўсини кўтариш, феминизация жараёнини жилловлаш учун педагогик олий ўқув юртларига иқтидорли ўғил болаларни кўпроқ қабул қилиш лозим.

Учинчидан, ўқитувчиларнинг айримлари маоши камлиги учун кетишиди баъзилари эса, мактабга келгач ўқувчи билан тил топа олмаганиги оқибатида кетдилар. Бошқалари касб-ҳунар коллежларидаги бўшлиқни тўлдирдиши.

Тўғри, вазирлик маълумотига кўра ўқитувчининг обрўсини кўтариш йўлида қўрилган чоралар натижасида минглаб собиқ эркак ўқитувчилар мактабларга қайтган. Бироқ бу ўринда ҳақиқат савол туғилади: "Улар мактабга қай қанча қайтди? Билимлари ошибми ёки камайибми?".

Президентимиз Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конс-

титудияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қўйидагиларни таъкидлади: "Таълимнинг барча босқичлари учун ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосланган дастури тайёрланиши керак. Бунда, авваламбор, Конституцияни ўрганишга жиддий ёндашиш лозим. Умумтаълим мактаблари учун "Конституция алифбоси", "Конституция сабоқлари", "Конституция асослари" каби дарсликларни яратиш зарур, деб ҳисоблайман".

Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасидаги ишлар эса кўнгилдагидек ташкил этилмаган. Нега?

Биринчидан, 1-4-синфларда "Конституция алифбоси" курсини шу синфлардаги айрим фанлар (Ўқиш, Атрофимиздаги олам, Табиатшунослик, Одобнома) таркибида ўқитишдек амалда ўзини оқламаган, мутлақо эскирган тартиб ҳамон давом этмоқда.

Бирор фани бошқа бирор фан таркибида ўқитишни мен бир вақтлар Ўзбекистон тарихининг собиқ СССР тарихи таркибида ўқитилишига ўхшатаман.

Иккинчидан, 1-4-синф ўқитувчиларининг ҳуқуқий билими, маданияти, савияси "Конституция алифбоси" курсини ўқитишда самара беришини кафолатлай оладими? Бу ҳақида ўйлаб кўрилдими?

Учинчидан, 5-7-синфларда, "Конституция сабоқлари" курси алоҳида ўқитилар эди. Бунга мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан 17 соат ажратилар эди. Бора-бора 5-6-синфларда бу соатлар олиб ташланди ва у "Ватан туйғуси" фани таркибида ўқитила бошланди.

УЙ ОЛГАЧ, ҲАМ БОСДИ

— Уй олиб муаммага дуч келдим. Чунки ушбу уйнинг ярими бошқа бировга ҳам сотилган. Шу битта уйнинг эгаси иккаламиз ҳисобланамиз. Лекин бир тараф ўзига тегишли қисмини бузмақчи. Уйни бузаётган тараф мендан рухсат сўраб бузадими, ёки сўраши шарт эмасми?

Аббос ҲАКИМОВ,
Навоий вилояти

— Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 219-моддасига кўра, улушли мулкдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш унинг барча иштирокчилари келишувига мувофиқ амалга оширилади. Шунингдек, ушбу кодекснинг 225-моддасига мувофиқ, агар биргаликдаги мулк иштирокчилари ўртасидаги келишув билан бошқача тартиб назарда тутил-

ган бўлмаса, улар умумий мулкка биргаликда эгалик қиладилар ва ундан фойдаланадилар. Бундан англашиладики, умумий уйнинг бир қисми бузиладиган бўлса, барча мулкдорларнинг розилиги олиниши лозим.

Саволга ҳуқуқшунос
Баҳодир СӨТВОЛДИЕВ
жавоб берди



БУҚАЛАМУННИНГ РАНГИ ҚАНДАЙЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

Қинғир қилмиш — келтирар ташвиш



ДУНЁДАГИ жамики жонзотларда мавжуд бўлган тириклик дарди уларни не куйларга солмайди, дейсиз. Масалан, вазият ва шароитга қараб рангини ўзгартириб турувчи буқаламун аталмиш судралиб юрувчи жониворнинг ҳақиқий ранги қандайлигини ҳатто тегишли соҳа мутахассислари ҳам ҳанузгача кашф этолганларича йўқ. Буқаламун ўлжасини кўлга киритиш ва душманлардан жонини сақлаш мақсадида рангини бир зумда ўзгартира оладиган жонзот.

кириб таништирди.

Чақирув бўлини-масидаги ходим бўлмиш Х.Каттабоев Норбой Холбоевнинг муаммосини эшитиб, юзлари қувончдан ёришиб кетди. Мулозамат билан ўтиришга таклиф қилгач, бир пиёла чай тутди. Норбой аканинг ҳам кўнгли бўшашди шекилли бор дардини тўкиб солди.

— Ҳамма жойнинг ўз қонун қоидаси бор, — деди Х.Каттабоев кўнглидаги муддаосини узоқдан бошлаб, — бошқа вилоятдаги болалар Тошкентдан ҳарбий хизматга 1200 АҚШ доллари атрофида кетаяпти. Лекин мен ундай ноинсофлардан эмасман, сиз менга ёки қолдингиз. Ўғлингизни 600 долларга бемалол бир йиллик ҳарбий хизматга юбортира оламан. Танишларимнинг ҳам кўли узун, мен айтсам, йўқ дейишмайди. Сизга фойдам тегса хурсанд бўламан.

Норбой Холбоев шу ерда унинг таклифига қандай рози бўлганини билмай қолди-ю, кейинчалик эса 600 АҚШ доллари оғир эмасми, ичи ачиди. “Бекор кўндим”, дегандек, ўзини койигандек бўлди. Текин даромадни тезроқ кўлга киритиш ниятида Хусниддин эса вақтни ўтказмай отини қамчилади. “Тезроқ пулни олиб келинг, бўлмаса ўғлингиз навбатдаги қақирқидан қолиб кетади”, дея қисталанг қила бошлади. Норбой Холбоев ҳар гал унинг сўровларига хўп-хўп деса-да, пул беришни пайсалга соларди. Бу орада ўғли Фахриддин мавжуд қонун-қоидаларга асосан, ҳеч кимнинг ёрдамисиз Тошкент шаҳридан ҳарбий хизматга жўнаб кетди-ю, Норбой ака узил-кесил Х.Каттабоевнинг фирибгарлигига амин бўлди.

ТАҲДИД: ЎҒЛИНГА ЁМОН БЎЛАДИ...

“Менинг нафсим балодур, не куйларга соладур”, деган экан қадимда машойихлардан бири. Холбой Норбоевнинг ўғли ҳарбий хизматга кетганлигидан хабар топган Хусниддин мўмайгина пул аччиғида бу ҳикматли сўзни хаёлига ҳам келтиришни лозим топмади. Аксинча, қайта-қайта қилган кўнғироқларига жавоб бўлавермагач, эски танишини йўқлаб унинг уйига борди. Унинг турмуш ўртоғидан Холбой ака Қашқадарёда эканлиги, ҳозирда келишилган пулни беришга имконияти йўқлигини, кейинчалик беришини эшитгач, азму қарори янада кучайса кучайдикки, совий демади. — Хўжайинлар пулни сўраб ҳоли-жонимга қўйишмаяпти, — деди у уй эгасига навбатдаги ташрифларидан бирида. — Уларнинг олдида юзим шувут бўлиб қолди. Яна бир нарсани айтиб қўяй, агар тез кунлар ичида пулни олиб бормасам, ўғлингизга ёмон бўлиши мумкин.

Бу таҳдид Х.Каттабоевнинг оғзидан бир неча бор жаранглади. “Келишилган пулни бермасанг, ўғлингга ёмон бўлади”.

ПОРА БЕРИШ ҲАМ, ОЛИШ ҲАМ ЖИНОЯТ

Ҳар бир ота-она фарзанди ҳаёти, тақдири ҳақида гап кетганда, кўзига молу дунё кўринмаслиги аниқ. Норбой ака ҳам қариндош уруғларидан қарз-ҳавола қилиб, айтилган пулни топишга топди-ю, ўйланиб қолди. Мавжуд қонунларимизга кўра, пора бериш ҳам, пора олишдек оғир жиноят эканлиги хаёлидан ўтди. Бир қарорга келгач, Республика Бош прокурату-

раси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Тошкент шаҳар бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Улар келишилган жойда учрашишди ва товламачи кимёвий ишлов берилган 500 АҚШ долларини олаётган пайтида Департаментнинг тезкор ходимлари томонидан ушланди. Суд жараёнида Х.Каттабоев ўз айбиға иқроор бўлиб, қилмишига пушаймонлик билдирса-да, унга суд томонидан тегишли жиноий жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида, айрим баднафс кимсаларга “Кўза кунда эмас, кунда синади”, деган ҳикматни асло унутмасликни эслатиб ўтишни жоиз топдик.

Баҳриддин ИКРОМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар Яшнобод
тумани суди судьяси,
Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
“Инсон ва қонун” мухбири



Худди, шунингдек, орамизда содда одамларни алдаб, ишончига кириш ва уларнинг пешона тери билан топилган мол-мулкига осонгина эга бўлиш мақсадида минг бир тусга кира олиш қобилиятига эга кимсалар ҳам учраб туради. Устомон жиноятчилар ўлжаларини қўлдан чиқармаслик учун гоҳи “Қўй оғзидан чўп олмаган” юмшоқ кўнгли кўринсалар, гоҳида эса бўри каби тажовузқордирлар. Афсуски, аксарият ҳолларда буқаламун каби вазиятга қараб қиёфасини ўзгартириб турадиган фирибгар, тамагир, порохўр ва турли даражадаги жиноятчиларнинг асл башарасини “бошимиз деворга текканда”гина кўраемиз.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Мудофаа ишлари бўлимида чақирув бўлини-масида ишлаётган Хусниддин Каттабоев (исм-шарифлар ўзгартирилган) расмий маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 7 июнида ўз хоҳишига кўра ишдан бўшади. Аслида эса “дўппи тор келгани учун”, янада аниқроғи, қинғир ишларини яшириш мақсадида ўн йил давомида турли лавозимларда ишлаб келган иссиққина жойидан кетишга мажбур бўлганини англаш қийин эмас. Аммо қилни қирқ ёрган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларини чалғитиб бўлмайди. Тергов давомида элликни оралаб, олтишини қоралаган Х.Каттабоев баднафслиги, порохўр ва фирибгарлиги далиллар асосида

ўз исботини топди. Оқибатда тузуққина иши орқали келиб турган ҳалол ризку насибасидан ажралибгина қолмай, яқинлари ва элу юрт олдида боши эгилди.

БУЛАРНИНГ ДАРДИ ПУЛ-ДА

Қашқадарёлик Норбой аканинг ҳарбий бўлиш орзуси армон бўлди. Шу сабабли ўғли Фахриддин 2018 йилнинг куз ойларида Мудофаа ишлари бўйича Чилонзор туман бўлими томонидан чақиртирилиб, муддатли ҳарбий хизмат бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлашини айтганда жуда қувонди. Ўғли тиббий кўрикдан ўтди ҳамки, ҳарбий чақирувдан дарак бўлавермагач, ўзи йўлга чиқди. 2019 йилнинг февраль ойида Мудофаа ишлари бўйича Чилонзор туман бўлимига борди. “Илҳом” исмли бўлим бошлиғи “ҳозирги кунда Президентнинг янги қарорига асосан чақирувчилар доимий рўйхатда турган жойидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилади”, дея гапни қисқа қилди. Норбой ака “бўлмаса нима учун ўғлимни овора қилдинглар”, деган саволига жўяли жавоб ололмай жигибийрон бўлганича бошлиқнинг олдидан чиқиб, Наргиза исмли котиба қизга юрагини бўшатган бўлди. Котибадан “Буларнинг дарди пулда, берсангиз жўнатаяди”, деган сўзни эшитгач, нима деса деди, нима қилса қилдики, Наргизахон уни Хусниддин Каттабоевнинг хонасига олиб

ИШДАН БЎШАТИШ НАФАҚАСИ ТЎЛАНДИМИ?

— МЕН ишлаётган хусусий корхонада айрим сабабларга кўра, иш штати қисқартирилмаган бўлди. Эшитишимча, ишдан бўшаётган ходимга ишдан бўшатиш нафақаси тўланар экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз?

Жамила УСАНБОЕВА,
Тошкент вилояти

— Меҳнат шартномасининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳолларда бекор қилиниши, ишдан бўшаётган ходимга ишдан бўшатиш нафақаси тўланишига сабаб бўлади.

Ишдан бўшатиш нафақаси тўланишидан мақсад ходим ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли ишдан бўшатишганида бошқа иш топиш учун кетган вақт давомида уни моддий қўллаб-қувватлашдан иборат.

Шунингдек, меҳнат шартномаси ходимнинг айбли ҳатти-ҳаракати туфайли бекор қилинганда, ишдан бўшатиш нафақаси миқдори ходимнинг ўртача ойлик ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ишдан бўшатиш нафақаси ходимга тўланадиган компенсация тўловидан фарқланмоғи лозим. Фойдаланилмаган таътил вақти учун компенсация пули берилиши ишдан бўшатиш нафақаси берилишига тўсқинлик қилмайди. Ишдан бўшатиш нафақаси корхонада тўлиқсиз иш куни режимида касаначилик асосида ўриндошлик бўйича ишлаётган ходимлар ишдан бўшатилаётганида ҳам тўланиши керак.

Саволга Тошкент вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Рашид МИРЗАХМЕДОВ жавоб берди

ТЎЙЛАР ҳақида жуда кўп ёзилган, ёзилапти. Телевидение ва радио тўлқинларида туркум кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилмоқда. Биз бу борада яна мулоҳаза юритмоқчи эмасмиз, чунки яқинда тўйларни ихчам ва камхарж қилиб ўтказиш бўйича Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида низом тасдиқланди. Низом 2020 йил 1 январдан кучга кирди. Эндиликда оилавий тадбирлар белгиланган қатъий талаблар асосида ўтиши лозим.

ҚАРОР КУЧГА КИРДИ, ВАЗИЯТ ЎЗГАРДИМИ?

Жумладан:

- тўй, оилавий тадбирлар, маърака ва маросимлар (дафн маросимидан ташқари) фақат 1 кун бўлади;
- улар соат 6:00-23:00 ораллигида ўтказилиши лозим;
- тўйларда 200 нафаргача, ошда 250 нафаргача одам қатнашиши мумкин;
- қўшалок тўйда 250 нафар, ошда эса 300 нафаргача одам қатнашиши мумкин;
- келин-куёвнинг тўйхонага келиши ва кетишида 3 тадан кўп бўлмаган енгил автомашинадан фойдаланиши мумкин;
- дафн маросимларида чекланмаган одам қатнашиши мумкин (марҳум хотирасига бағишлаб ёзиладиган эҳсон дастурхони бундан мустасно);
- диний маърузалар белгиланган тартибда рухсат олган шахслар томонидан ўқилади;
- “келин навқари”, “чарлар”, “ота кўрди”, “сеп ёйди”, “қуда чақирди”, “куёв чақирди”, “келин чақирди”, “тоғора юбориш”, “пул сочиш” ва ҳоказо ишларни ўтказиш мумкин эмас;
- “етти”, “пайшанбалик”, “йигирма”, “қирқ”, “йил оши”, “пул тарқатиш”, “мато улашиш” ва ҳоказоларни ўтказиш мумкин эмас;
- тўйхона, кафе ва ресторанларда 50 нафар ва ундан ортиқ шахслар иштирокида оилавий тадбирлар ўтказиш учун албатта шартнома тузилади;
- тадбирлардаги бошловчи (тамада) санъаткор, хонанда, видеочи, фотограф ва бошқалар билан шартнома тузилиши лозим;
- тадбирларда 2 нафардан ортиқ хонанда (гурух) хизмат қилиши мумкин эмас.

Ички ишлар органлари профилактика инспектори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда фуқаролар ўртасида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам ва камхарж ўтказишга, жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвор нормалари ва қоидаларини аҳоли онгига синдиришга, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларнинг шуҳратпарастлик ва дабдаба билан ўтказилишининг олдини олишга қаратилган аниқ ва мақсадли профилактик тадбирларни ташкил этиши, шунингдек, бундай тадбирлар давомида жамоат тартибини таъминлаши лозим.

Бугун ёшларнинг тўйларда қилаётган хурмача қилиқлари хусусида тўхталмоқчимиз. Шубҳасиз, тўй ҳақида қабул қилинган ушбу қарор бу каби иллатларнинг олдини олишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бироқ шундай бўлса-да, бугун томир отаётган айрим тўйларда одатга кириб улгурган номақбул удумларни бартараф этишда, хусусан, жамоатчиликнинг

фикр-мулоҳазалари фойдадан холи бўлмаса керак.

Яқинда бир маҳаллада тўй маросими тугагандан кейин куёвнинг дўстлари уни табриклаш учун даст кўтариб тепага иргитаётган пайт кутилмаганда нохуш воқеа содир бўлди. Куёвнинг жўралари ушолмай қолганлиги сабабли у асфальтга тушиб умуртқа поғонаси синиб, бир умрга ногирон бўлиб қолди. Бир ёш қиз бахтига уларнинг бу қилиқлари зомин бўлди. Бошқача айтганда, куёвнинг дўстлари “қош кўяман деб кўз чиқаришди”.

Шунингдек, Каттакўрган шаҳрида яна бир хунук одат пайдо бўлган. Ниқоҳ куни ўтказиладиган ёр-ёр кечасида ёшлар пахтани бензинга тўйинтириб, уни катта йўлнинг икки томонида ёқиб, бутун кўчани ўраб олиб одамлар ва автомашиналар қатновини тўхташиб, рақсга тушишади. Уларнинг бу қилиғи яқинда фожиа билан тугади. Бир машина бесабрлик қилиб олов устидан юриб портлаб кетди. Ҳайдовчи йигит оламдан ўтди. “Санг устига порсан”, деганларидек ёшлар ўрта-

сида келинига куёвни олиб бориш пайтида куёв жўралар уларни хурмати учун ёзилган дастурхонга ўтиришгач, жўр овоз бўлиб, худди тиланчилардек бор товушлари билан ароқ сўрашади. Энг қизиғи, тўй эгаси ароқ бермаса, куёв жўралар дастурхондаги бор чойнак, пиёла, коса, товоқларни ерга уриб синдиришади. Улар ароқ берилмагунча ёввойилашиб, тинчишмайди. Бундан ҳам баттари эса куёвни чимилдиққа киргизишда хонадаги ойна ва чироқларни атайлаб синдириб, келинбардорлик қилиб ўтирган онахонларни босиб-янчиб, уларнинг соғлиғига жиддий зарар етказишади.

— Халқимизда увол ва савоб, деган гап бор. Наҳотки, одамларимиз ана шу пур-ҳикмат гапнинг маъносига етмай, уни моҳиятини англамай кўр-кўрона иш қилмоқдалар, — дейди меҳнат фахрийси, кекса педагог А.Ҳайдаров. — Одамларга нима бўляпти ўзи, нега биз кексалар ўз фарзанларимизга увол ва савоб ҳақида, исрофгарчилик тўғрисида гапирмай қўйдик? Ахир, биз кекса авлод очарчилик,

йўқчиликни кўрганмиз-ку. Бир бурда ноннинг қадрини яхши биламиз-ку, болаларимиз, набираларимизни тўйларда, бирон яхши кунда қилаётган номақбулчиликларини кўриб, индамаймиз.

— Бугун тўйларни ихчам ўтказиш тўғрисида низом ва қарорлар тасдиқланди. Энди ҳеч кимнинг четда туришга ҳаққи йўқ, айниқса, маърифат ва маънавият кишилари, — дейди Каттакўрган шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактаби директори У. Шарипова. — Биз ўқитувчилар ҳам ўқувчилар тарбиясига эътибор қаратиб, ёшларни дунё тамаддунида катта обрў-эътибор қозонган аждодларимизга муносиб ворис қилиб улғайтирайлик.

Шу ўринда яна бир гап. Маҳалла оқсоқоллари, кенг жамоатчилик, ҳокимият вакиллари фурсат кутмай, бу борада амалий ишга киришса мақсадга мувофиқ бўларди.

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири



БОЛА РОЗИ БЎЛМАСА... ОТА-ОНА ҲУҚУҚИ ТИКЛАНМАЙДИ

— ОТА-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг ҳуқуқи қайтиб тикланиши мумкинми?

Дилдора ҒАНИЕВА,
Зарафшон шахри

— Оила кодексига кўра ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин.

Демак, ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини, турмуш тарзини ва бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирини) даъвосига биноан суд тартибда амалга оширилади.

Агар ота-оналик ҳуқуқининг тикланиши бола манфаатларига зид бўлса, суд боланинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-онанинг (улардан бирининг) ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантиришни рад қилишга ҳақлидир.

Ўн ёшга тўлган болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқининг тикланишига фақат унинг розилиги билан йўл қўйилади. Бола рози бўлмаса ота-

оналик ҳуқуқини тиклаб бўлмайди.

Бола фарзандликка олинган ва фарзандликка олиш бекор қилинмаган бўлса, ундай ҳолларда ота-оналик ҳуқуқини тиклашга йўл қўйилмайди.

Саволга Навоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Ҳамидулло САЪДУЛЛАЕВ жавоб берди.

КЎЧАДА ҚОЛДИК, ҚОНУН БУНГА НИМА ДЕЙДИ?

— МЕНИНГ 2 нафар фарзандим бор. Лекин ҳозир оилам нотинч. Яъни қайнонали билан келишимовчилик юз берди. Шу боис қайнонали мен ва болаларимни мажбурлаб уйдан ҳайдади. Шунингдек, эриним мен билан ажралишга мажбур қилди. Қайнонамининг бундай йўл тутishiга ҳақлари борми. Бунга қонунда нима дейилган?

Лазоқат БАҲРАМОВА,
Қашқадарё вилояти

— Амалдан қонунишда сизни уйдан ҳайдашга ҳеч қилинган ҳақи йўқ. Агарда, сиз никоҳдан ўтгандан кейин эринииз яшаётган уйга доимий пропискага қўйилган бўсангиз, суднинг доимий қўлга кирган ҳал қилув қарорисиз сизни уйдан ҳайдаб чиқара олинмайди. Агар сиз эринииз билан никоҳдан ажралиш тақдириниизда ҳам суддан уй-жайдан улуши ажратилиши сўраганиниз мумкин. Бундай ҳолатда суд сизга эриниизнинг уйдан (гарчи уй унинг номида бўлмаса ҳам) улуши ажратиб беради. Агарда уй эринииз билан турмуш қурганиниздан кейин олиниб, унинг номида бўлса, Оила кодексининг 23-моддасига кўра, бу уй эр-хотинининг улушлик мулкни ҳисобланади. Никоҳ бекор қилинаётганда сиз мол-мулкни бўлишини ҳам сўраганиниз мумкин. Бундай базисда суд мажбурий улушлик мулкни тенг эришини (Оила кодексининг 28-моддаси 1-қисмига кўра) сизга бериши мумкин бўлади.

Савола ҳуқуқшунос
Доннёр ИМОННИЁЗОВ жавоб берди

СОБИҚ ХОТИН ҲАМ АЛИМЕНТ ТЎЛАШИ МУМКИН

— ХОТИН ҳам эрига алимент тўлайдими?
Даналун НАРИНБЕКОВА,
Конилик тумани

— "Оила" кодексининг 15-бобида эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинларнинг алимент мажбуриятлари баён этилган бўлиб, 117-моддада эр-хотин бир-бирини моддий ёрдам беришдан бош тартилган тақдирда, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз ҳалда ўртадан ишонрон бола ўн бўлган йўртадан долага қаранан ёрдамга муҳтож эр-хотиннинг қадир бўлган хотиндан суд тартибида таъминот (алимент) олиши ҳуқуқига эга.

118-моддада эса, никоҳдан ажраланишдан кейин ҳам никоҳдан ажралишга қадар эки никоҳдан ажралиш бўлиб қолган ёрдамга муҳтож содиқ эр агар эр-хотини ўзоқ вақт никоҳда турганин бўлса, отарин маддага эга бўлган содиқ хотиндан суд тартибида алимент тўлаб қилиши ҳуқуқига эгадир.

Савола Конилик тумани адлия бўлими бошлиги Эллах ФАЙЗУЛЛАЕВ жавоб берди

ҲАЁТ ҲИКОЯСИ

ПОРАНИНГ ИЛДИЗИ



порага, олчоқликка қарши курашаётган одамсан. Энг аввало, бу исноди унсурларнинг томирини топишинг, ўқилдизини кесилинг керак.

— Биламан отажон, биламан.

— Билсанг, одам боласи бу дунёга келиб кўз очган лаҳзадаёқ порага, олғирликка дуч келадиган ҳаётда поқдомон яшаш нақадар оғир...

— Отажон, унчалик... англамадим.

— Ҳамма жойда пора-пора деб, оч-кўзликка қарши курашмаясан-а? Шу пора ўлгур сенинг ҳам ҳаётингда ўз захрини қолдириб ўтган-да, болам. Мен шундан кўрқаман.

Ота, шифтга узоқ термулиб қолди. Ўғил ихроқли хайрат билан унга термулди.

— Отажон...

— Сен туғилганинда раҳматли онанг доя дўхтирга, мендан яшириб ўн рубль берган экан. Ҳа, сен бу дунёга келган кунингдаёқ шу пора ўлгурнинг шамоли тегиб ўтган. Парвардигор инояти билан бу дунёга келганинг учун ҳам кимгадир пора беришинг керак бўлса... (Ота ҳоргин жилмайди). Сен кўз очиб кўрган дунё сен туғилган лаҳзадаёқ сендан пул талаб қилса... Қизиг-а, болам?

— Тушундим ота, тушундим.

— Тушунган бўлсанг, сен поранинг илдизини, энг аввало, ўша ёқдан изла, болам...

ОТАНИНГ боши ёстиққа теғди. Аҳволи оғирлашди. Сўлиш олди. Ҳузурига ўғлини чорлади. Ота жигарбанди юзига тик боқди:

— Болам, мард бўл. Ҳалол бўл! Сенга айтар гапим шу.

Ўғил қалби-вужуди билан ҳис қилди, кўзларидан ёш тирқираб ситилди — қиблагох рози-ризалик палласида эди.

— Жоним отам, ўғитингизга амал қилмасам икки кўзим кўр бўлсин. Ҳаромдан олис юраман. Нафс қули бўлмайман. Ўзингиз айтасиз-ку, бир бурда нон, бир коса овқатга одамнинг қорни тўяди. Ўзганики ўзгага буюрмайди.

— Шу оддийгина ҳақиқатни билсанг бас, болам. Бировнинг олдида бошинг эгик, юзинг кир бўлмайди.

— Ҳўп отажон, ҳўп.

— Ўғлим, эллик йил ўқитувчи бўлдим. Худойим ҳалолдан берди, қаноатим босилди. Ҳеч кимнинг чўнтагига кўз солмадим. Сенга яна бир гапим бор.

— Ҳар бир ўғитингиз мен учун қонун, отажон!

— Сен ҳуқуқшуносан. Ҳаромга қарши,

Жойини кўрсатиб қўйдилар



БИРИНЧИ ҲОЛАТ: Катта амалдорлардан бирининг қабулхонаси. Котиб. Қабулхонага бир чол киради:

— Бошлиқ ўзларидами?
— Бошлиқ йўқлар, бошлиқ икки соатдан кейин келадилар!..

ИККИНЧИ ҲОЛАТ: Орадан икки соат ўтган. Қабулхона. Котиб. Ҳалиги чол яна келади:

— Бошлиқ ўзларидами?
— Бошлиқ мажлисдалар, кейинроқ келинг!

УЧИНЧИ ҲОЛАТ: Орадан бир мунча вақт ўтган. Ўша қабулхона. Чол:

— Бошлиқ...
— Вой, қанақа одамсиз, отажон?!.. Бошлиқ аллақачон

кешиб бўлди-ку! Эртага келинг...

ТЎРТИНЧИ ҲОЛАТ: Эртаси кун. Чол:

— Бошлиқ ўзларидами?
— Бошлиқми?!.. Бошлиқ... У меров ишдан кетди!.. Жойини кўрсатиб қўйдилар!..

— А?.. Шунақами? Унда... уэр...

Чол кета бошлайди. Котиб:

— Менга қаранг, отажон, ўзи унда нима ишингиз бор эди?

— Ундами?... Шунчаки, ўғлимни соғингандим!..

Чол хушбахт қабулхонадан чиқади.

Ўз мухбиримиз

АДЛИЯ АРАЛАШМАСА, МИЛЛИОНЛАР ТЎЛАНМАЙ ҚОЛАРДИ...

ЖОЙЛАРДАГИ адлия идоралари фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклашда, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда самарали фаолият юритмоқда. Учқудуқлик Мафтуна Ҳуралова ҳам туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, “Ҳар бир оила тадбиркор” лойиҳаси бўйича Микрокредитбанк туман филиали томонидан кредит маблағи берилмаётганлигидан норози бўлиб ёрдам сўради. Туман Микрокредитбанк филиалига тегишли тартибда хат чиқарилиб, мазкур банк томонидан М.Ҳураловага 29.000.000 сўм кредит маблағи ажратилди.

Гулнора Эронованинг туман адлия бўлимига Учқудуқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи 2019 йил сентябрь ойида фаолияти туғатилганлиги сабабли ишдан бўшатиш нафақасини ундириб беришни сўраб қилган оғзаки мурожаати ўрганилиб, мазкур коллежга киритилган тақдимномага асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган жами 32 нафар педагог ва ишчи ходимга 55 миллион 99 минг 313 сўм нафақа тўлаб берилди.

Улугбек ТҲРАЕВ,
Учқудуқ туман адлия бўлими бошлиғи



ПСКЕНТ тумани, Гулистон МФЙ Муғол қишлоғида яшовчи Абдуллаев Мансур Абдурахмонович туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган нотурар жой биносини турар жой тоифасига ўтказишда амалий ёрдам беришни сўради. Маълум бўлишича, М.Абдуллаев оиласи билан яшаб келатган ушбу бино Пскент туман ҳокимининг 2018 йил 15 майдаги 1022-сонли қарорига асосан хусусий мулк сифатида М.Худойбердиевага тегишли бўлган, 2018 йил 17 июлда нотариал тартибда

тасдиқланган ҳада шартномасига асосан М.Худойбердиева бинони М.Абдуллаевга ҳада қилган. Бошқа турар жойи бўлмаганлиги сабабли 2019 йил 20 февраль куни М.Абдуллаев туман Давлат хизматлари маркази орқали туман ҳокимлигига ўзига тегишли бўлган нотурар жой бинони турар жой тоифасига ўтказиш тўғрисида мурожаат қилган. Мурожаат асосида туман қурилиш бўлими бош архитектори томонидан нотурар жой биноси жойига чиқиб ўрганилган ва бинони турар жой тоифасига ўтказиш мумкин деб ҳолиб, рухсатнома расмийлаштирилган. Лекин туман ҳокимлиги томонидан М.Абдуллаевга “нотурар бино-иншоотларни тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги учун мурожаатингиз рад этилди”, деб жавоб хати берилган.

Вазирлар маҳкамасининг “Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг ай-

рим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарорининг 2-илловасидаги “Объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти” 21-бандида рухсатнома беришни рад этишга асослар келтирилган. М.Абдуллаевнинг мурожаатини рад этиш учун регламентда келтирилган асослардан биронтаси мавжуд эмас. Регламентнинг 22-бандида эса рухсатнома беришни бошқа асосларга кўра рад этиш қатъиян тақиқланади, деб белгиланган.

Пскент туман адлия бўлими томонидан қўрилган чоралар натижасида М.Абдуллаевга тегишли бино ва иншоотлар нотурар жой тоифасидан турар жой тоифасига ўтказиш тўғрисида туман ҳокими қарори чиқарилиб, мурожаат ижобий ҳал қилинди.

Рустам ХАМРАЕВ,
Пскент туман адлия бўлими бошлиғи



АДЛИЯ БЎЛИМИ МИЛЛИАРДДАН ОШИҚ ПУЛНИ УНДИРИБ БЕРДИ

ТЕРМИЗ туман адлия бўлимига 2019 йил давомида жами 258 та жисмоний шахслардан мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг 139 таси бўлим бошлиғи ҳамда ходимлари томонидан амалга оширилган шахсий ва сайёр қабуллар давомида билдирилган мурожаатлар ҳисобланади. Мазкур мурожаатларнинг барчасини қаноатлантириш чоралари кўрилди.

Шунингдек, бу даврда жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатини қўзлаб судларга 707 миллион 428 минг сўмлик 18 та даъво аризалари киритилган бўлса, жисмоний шахсларнинг манфаатида киритилган тақдимномалар натижасида фуқароларга 1 миллиард 14 миллион сўм миқдоридagi пул маблағлари ундирилишига эришилди.

Жумладан, туман адлия бўлимига “Айритом” маҳалласида яшовчи У.Катаганова мурожаат қилиб, 1999 йил 28 октябрь куни туғилган фарзандининг туғилганлик фактини белгилаб беришда амалий ёрдам беришни сўраган.

Адлия бўлими томонидан ушбу мурожаат тўлиқ ўрганиб чиқилиб, У.Катаганованинг 1999 йил 28 октябрь куни туғилган ўғил фарзандининг туғилганлик фактини белгилаб бериш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманларо сўдига даъво аризаси киритилди. Ушбу даъво аризаси натижасида мурожаат тўлиқ қаноатлантирилди.

Баҳодир АШУРОВ,
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Миробод туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 21.05.2014 йилда 006347-03 реестр рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, Амир Темур берк кўчаси манзилида қайта давлат рўйхатидан ўтган “MAGIC TOUCH” хусусий корхонаси (СТПР: 302 581 946) таясчисининг 2019 йил 16 декабрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 131-17-21.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 29.11.2019 йилда 785668 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фаргона йўли кўчаси, 76-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган “AIR-TAXI” масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 306 902 526) таясчисининг 2019 йил 24 декабрдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 715-44-33.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 29.11.2019 йилда 775094 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Сайхун кўчаси, 166-уй, 191-хонадон манзилида давлат рўйхатидан ўтган “SWEETWORLD” масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 306 819 920) таясчисининг 2019 йил 24 декабрдаги буйруғига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 910-69-99.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 14.06.2018 йилда 616145 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 12/1-уй, 119-хонадон манзилида давлат рўйхатидан ўтган “NOWADAYS INVEST” масъулияти чекланган жамияти (СТПР: 305 604 382) таясчисининг 2019 йил 29 майдаги йилгилиш қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 412-64-54.

Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунинг 16-моддасига асосан “PARXAT KARAMOVICH” адвокатлик бюроси адвокати бўлган Салиев Пархат Карамовичнинг 2019 йил 10 октябрдаги ОР №000136-сонли ҳамда “YURIST NILUFAR ALLABERGENOVA” адвокатлик бюроси адвокати бўлган Аллабергенова Нилуфар Рейимовнанинг 2018 йил 29 декабрдаги ОР №000049-сонли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялари ва адвокатлик макорларининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2019 йил 23 декабрдаги 389-391-ум-сонли буйруғларига асосан тугатилди.

Қашқадарь вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 28 декабрда Хантов Ина-тулга берилган KS 000029-рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда адвокатлик макрми буйруғига асосан тугатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2019 йил 18 декабрдаги 442-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “TAFAKKUR ADVOKAT” адвокатлик фирмаси адвокати Ғафурова Рано Шакировна номига бошқарма томонидан 2018 йил 28 декабрда берилган SA 000333-сонли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик макрми тикланди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2019 йил 6 декабрдаги 344-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “EVICSIYA QOMUS” адвокатлар ҳайъатининг адвокати Қиёмов Шерзод Данаевичнинг номига вилоят адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 27 декабрда берилган SA 000187-сонли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва унинг адвокатлик макрми тугатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2019 йил 6 декабрдаги 433-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “EZGU FIKR” адвокатлик фирмасининг адвокати Юнусов Утир Мардонвич (адвокатлик гувоҳномаси №109, 28.12.2018 й.) ва “QOMUS” адвокатлар ҳайъатининг адвокати Қудусова Мехри Матлубовналарнинг (адвокатлик гувоҳномаси №280, 05.01.2018 й.) адвокатлик макрми 3 ойда тўхтатилди.

“Мастона Коммунал”, “Зулайхо Коммунал”, “Сангам Коммунал”, “Юнусбад Юлдуз Коммунал” хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатлари Мулкдорлар ширкатининг 2019 йил 24 декабрдаги 2-сонли умумий йилгилиш қарорига асосан “Амид Илтифот” хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатига биришланилиги маълум қилинади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2019 йил 27 декабрдаги 507-ум-сонли буйруғига асосан бошқарма томонидан 2018 йил 19 декабрда берилган AN №000633-сонли лицензия эгаси, “VERDIKT HIMOYA” адвокатлик фирмаси адвокати Атабев Фахриддин Бозорбоевичнинг адвокатлик макрми тикланди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2019 йил 6 декабрдаги 495-ум-сон буйруғига асосан бошқарма томонидан 2018 йил 21 декабрда берилган AN №000105-сонли лицензия эгаси, “Ишон” адвокатлик фирмаси адвокати Ярамолов Абдимамитнинг адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ҳамда адвокатлик макрми вафот этганлиги сабабли тугатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2019 йил 6 декабрдаги 493-ум-сонли буйруғига асосан бошқарма томонидан 2019 йил 17 апрелда берилган AN №000224-сонли лицензия эгаси “Нажот” адвокатлик фирмаси адвокати Халилов Дилмур Абдурахмонович ва бошқарма томонидан 2018 йил 25 декабрда берилган AN №000179-сонли лицензия эгаси “FORUS” КЕРАЛИЕВ Улуғбек Қодировичнинг адвокатлик макрми ва адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши иш даврига тўхтатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2019 йил 6 декабрдаги 433-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “EZGU FIKR” адвокатлик фирмасининг адвокати Юнусов Утир Мардонвич (адвокатлик гувоҳномаси №109, 28.12.2018 й.) ва “QOMUS” адвокатлар ҳайъатининг адвокати Қудусова Мехри Матлубовналарнинг (адвокатлик гувоҳномаси №280, 05.01.2018 й.) адвокатлик макрми 3 ойда тўхтатилди.

“Мастона Коммунал”, “Зулайхо Коммунал”, “Сангам Коммунал”, “Юнусбад Юлдуз Коммунал” хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатлари Мулкдорлар ширкатининг 2019 йил 24 декабрдаги 2-сонли умумий йилгилиш қарорига асосан “Амид Илтифот” хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатига биришланилиги маълум қилинади.

Мирзо Улуғбек туман давлат хизматлари кўрсатиш маркази томонидан 04.06.2010 йилда Мирзо Улуғбек тумани, Муस्ताқиллик шох кўчаси, 69-уй, 2-қават манзилида №004336-09 рақами билан давлат рўйхатидан ўтган “BERNORA QORIYEVA USLUBI VA RAQSI” масъулияти чекланган жамияти таясчисининг 27.12.2019 йилдаги йилгилиш қарорига асосан тугатилди.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.
ИНН: 204 778-88.
Тел.: (97) 421-68-88.

“Инсон ва қонун” газетаси жамоаси таҳририят ходими Навруза Ибрагимовна отаси **Фатхулла ЛУТФУЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатта олинган

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1328 2010-7877

www.minjust.uz

Бош муҳаррир

Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиев Шерзод Миржалилович
Тожиев Фурад Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган кўпмаъра тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Набатчи Ёрбек Искандаров
Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйда чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда ЎЗА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 6154
Бюроғи — V-4017
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 23:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5

XalqBanki жамоаси

барча юрtdошларимизни ва ҳарбий соҳа вакилларини 14 январь — “Ватан ҳимоячилари куни” билан табриклайди.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо экан, бунда, албатта, ватанимиз посбонларининг ҳиссаси беқиёс. Шундай экан, уларнинг тинчлигимиз йўлидаги машаққатли ва юксак хизматларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Мамлакатимиз қалқони бўлиш ҳар бир ўғлонимизга насиб этсин!

Шу билан бирга, халқимизга банкимизнинг янги хизмат турларини тақлиф этамиз:

“КОБЕЙЖИНГ” КАРТАЛАРИ

Халқ банки “Кобейжинг” карталари Ўзбекистон ҳудудида миллий валютада, 170 дан ортиқ давлатларда ушбу давлат валютасида нақд пул ечиш ва тўлов қилиш имконини беради. Бунинг учун алоҳида халқаро тўлов картаси очиш ва конверсия қилиш шарт эмас.

“GOLD CREDIT” “КОБЕЙЖИНГ” КАРТАСИ

бу картани очиш 100 000 сўм. Пластик картага хизмат кўрсатиш учун йиллик БХМнинг 1 баробари миқдоридан банк хизмати ундирилади. Ажратилган кредит бўйича имтиёзли давр — 30 кун, фоиз ставкасида кредит маблағларидан фойдаланган давр учун йиллик 33 фоиз ундирилади.

“КОБЕЙЖИНГ БИЗНЕС” ВА “КОБЕЙЖИНГ КОРПОРАТИВ” КАРТАЛАРИ

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга бизнесни ривожлантириш учун янада кўпроқ имкониятлар ҳамда энгилликлар яратиш учун тақдим этилмоқда.



Ватанимиз сарҳадлари осуда бўлсин!